

Мумтоз адабиётимиз вакиллари ижоди куръоний гоялар билан чамбарчас боғлиқдир. Айникса, Ахмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Бокиргоний, Хувайдо каби валий зотлар, улуг шоирлар ижодида бу масала ёркин ифодаланган.

Ахмад Яссавийниг бир хикматида бундай мисралар бор:

Бехишт — дўзах талашур, талашмокка баён бор,  
Дўзах айтур: «Мен ортуқ, менда Фиръавн, Хомон бор».  
Бехишт айтур: «Не дерсан, сўзни билмай айтурсан,  
Сенда Фиръавн бўлса, менда Юсуф Кањон бор»

Бу шеър бугунги адабиётшунослик нуктаи назаридан куйидагича тахлил килинади: бу шеър рубоий жанрига мансуб бўлиб, а-а-б-а тарзида кофияланган. Кофия тизимиға кўра хос рубоийдир. Рубоийда гоявий ният диалог воситасида ифодаланган. Рубоийда гоявий ният ифодасида куйидаги шеърий санъатлардан фойдаланилган: исмлар келаётгани учун — талмех, дўзах ва жаннат (бехишт) бир-бирига зид бўлгани учун тазод санъатлари бор. Рубоийда «м», «н», «р» ундошлари такори воситасида тавзеъ, «а», «о» унлилари такори оркали ассонанс санъатлари кўлланилган.

Бу тахлил рубоий мазмунини тўла ифода килгани йўк. Унинг мазмунини тўла ва мукаммал тушуниш учун адабиётшунос ёки ўкувчи Куръони карим билан таниш бўлиши зарур. Чунки Яссавий ижоди тўлалигича иктибос санъати асосига курилган бўлиб, унинг шеърларида куръоний мавзулар кенг акс этган.

Бу хақда шоирнинг ўзи бундай ёзган:  
Оят, хадис маъноси туркий бўлса мувофик,  
Маънисига етганлар ерга кўяр бўркини.

Рубоий мазмунини тўла англамок учун Фиръавн, Хомон, Юсуф (алайхиссалом) тарихини билмок керак.

Куръони каримнинг Аъроф сураси 103-оятидан бошлаб, Фиръавн, Хомон тарихлари берилган. 103-ояти карима бундай бошланади: «Сўнгра, уларнинг ортидан Мусони ўз оятларимиз ила Фиръавн ва унинг зодагонларига юбордик. Бас, у (оят)ларга зулм килдилар. Бузгунчиларнинг окибати кандай бўлишига назар сол».

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг «Тафсири Хилол» китоби иккинчи жузъида Фиръавн киссаси бундай тафсир килинган: Фиръавн - Мусо (алайхиссалом) замонларидаги Миср подшохи Минфитоҳ ибн Раъмсисдир. У машхур бўлиб, ном козонганидан кейин «Фиръавн» деб номлаганлар. Аллоҳ таоло Мусога (алайхиссалом) Фиръавнни хакикат ва имонга чакиришни тайинлаган.

Фиръавн Мусо пайгамбарга ишонмайди. Унга мўъжиза талабини кўяди. Барча сеҳргарларини тўплаб, Мусо (алайхиссалом) мўъжизасини йўкка чикармокчи бўлади.

Сехргарлар аркон ва хассаларини ташласалар, илон бўлиб кўринади. Мусо (алайхиссалом) хассасини ташласа, аждар бўлиб, у “илонлар”ни ютиб юборади. Фиръавн шунда хам Мусо пайгамбар йўлига юрмайди. Ўзини Худо деб билади. Шу кавмдан бўлган йигит уни ўлдиришини билганидаёк кавмда янги тугилган ўгил болаларни ўлдирувчи золимга айланган эди.

У шу кадар манманликка берилган эдики, вазири Хомонга буюриб, минора курдиради, минорага чикиб, Аллоҳга камондан ўқ узади.

Охири Аллоҳ таоло Мусо (алайхиссалом) чакирикларига, мўъжизаларига ишонмаган, куфр кетган Фиръавн ва унинг кавмини денгизга гарк килади. Ана энди маълум бўлдики, шеърда номи тилга олинган Фиръавн манман, куфр кетган подшо бўлгани учун унинг, вазирининг ўрни дўзахдадир.

Юсуф (алайхиссалом) хакида Таврот китобида хабарлар келган. Юсуф хакидаги батафсил маълумотлар Куръони каримда келтирилган. Куръонда Юсуф сураси бор. Хазрати Юсуф (алайхиссалом) киссаси Куръон киссалари ичida энг каттасидир.

Юсуф сураси З-оятида бундай дейилган: «Биз Сизга ушбу Куръон (сураси)ни вахий килишимиз билан бирга гўзал киссани айтиб берурмиз».

Юсуф (алайхиссалом) номи Куръонда 26 марта зикр килинган. Юсуф ибн Яъкуб ибн Исҳок ибн Иброҳимдир. Оналари Роҳил бинти Лобондир. Юсуф сураси бошдан охиригача бошка нарсаларни аралаштирамай хикоя килинган ягона сурадир. Бу киссада хаёлий гаплар, лирик чекинишлар, бадиий тўқималар йўқ. Сурада Яъкубнинг (алайхиссалом) 12 ўгли, улар ичida Юсуфнинг гўзаллиги, маънавий баркамоллиги, акалар хасади, унинг кудукка ташланиши, савдо карвонидагилар кудукдан чикариб олиши, бозорда сотилиши, Миср вазири хотинининг Юсуфга шайдолиги, Юсуфнинг зиндонга ташланиши, окибат, сабрли бўлгани учун Аллоҳ инояти билан баҳгга эришиши тасвиранган.

Бу сура таъсирида бадиий адабиётда кўплаб насрой асарлар, достонлар яратилган. Барча бадиий асарларда Куръондаги сура асос бўлса-да, шоирларнинг гоявий ниятидан келиб чикиб, турлича бадиий тўқималар ишлатилган.

Юсуф (алахиссалом) номи деярли барча лирик шоирлар шеърларида учрайди. Хоғиз Шерозий бундай ёзган:

Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аник билдим,  
Чикармиш ишк номус пардасидан ул Зулайхони.

Хоразмий ёзган:

Ўгон Юсуф жамолин сиза берди,  
Мухаббат кимёсин биза берди.

Сайфи Саройи ёзган:

Бу кун Юсуф жамолини килибdir Хак сенга баҳшиш,  
На баҳшиш, баҳшиши давлат, на давлат, давлати маҳвар.

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Ахмад Яссавий хикматларининг бирида:

“Азозилни от килиб миндим мано”, деб ёзади.

Азозил ким? Куръони каримда баён килинишича, Аллох фаришталарни нурдан, Одам Атони тупрокдан яратган. Сўнг жами фаришталарга Одамга сажда килишни буюради. Азозил кибр ва ор килиб, Аллох амрини бажармаци, Аллохнинг газаби, лаънатига дучор бўлади. У Аллохдан киёматгача тирик колдиришини, одамларни Аллох йўлидан кайтаражагини айтади. Аллох таоло унга киёматгача муҳлат беради.

Шайтон хар сонияда одамларни йўлдан уришга, Аллох амр килган нарсалардан кайтаришга харакат килади. Одамларни шайтон йўлига етакловчи воситалардан бири нафсдир. Ахмад Яссавий истиора санъати воситасида «Азозилни от килиб миндим мано», яъни ўз нафсимдан устун келдим, демокчи.

Куръони каримнинг Ахзоб сурасининг 58-оятида бунцай дейилган: «Мўмин ва мўминаларга, улар бирон нарса килмасалар хам, озор берадиганлар, батахкик, ўз устларига очик бўхтон ва гунохни олган бўладилар».

Ахмад Яссавий ана шу оят мазмунидан келиб чикиб, бундай дейди:

Суннат эрмиш, кофир ўлса, берма озор,  
Кўнгли каттиқ, дилозордин Худо безор.

Мўмин одамнинг мўминга озор бериши харомдир. Хатто кофирга хам озор бермаслик суннатдир. Машраб ушбу масалани тубандагича баён килади:

Гар кўлингдан келса, харгиз мурчани оғритмагил,  
Хам Худо бандам демас хар кимки дилозордир.

Сайфи Саройи бировларнинг юкини кўтариб, мушкулини осон этган эшакни мардумозорлардан аъло билади:

Эшак ул одамийдин яхширокким,  
Килур доим кишининг кўнглин озор.

Куръони каримда улугланган инсоний фазилатлардан бири сабрdir. Куръонда сабр сўзи 70 марта учрайди. Жумладан, Бакара сурасининг 45-оятида бундай дейилган: «Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг». Шу суранинг 153-оятида: «Эй имон келтирганлар! Сабр ва намоз ила мадад сўранглар. Албатта, Аллох сабрлилар биландир». Оли Имрон сурасининг 146-оятида эса: «Аллох сабрлиларни севади», дейилган. Шу суранинг 200-оятида: «Эй имон келтирганлар! Сабр килнг. Сабр ила голиб келинг», дейилган.

Мумтоз адабиёт вакиллари шунинг учун бу инсоний фазилат хакида кўплаб байтлар яратганлар.

Хоразмийнинг «Мухаббатнома» асаридаги хар бир нома охирида кайтариладиган бир байтда айнан сабр улугланади:

Сабрдин яхши йўқтур пеша килсан,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша килсан.

Алишер Навоий «Махбубул кулуб» асарида сабр хакида бундай ёзган:

Кимки бир шиддат аро сабру тахаммул айлади,  
Баҳт аниңг нешини нўшу хорини гул айлади.

Бу байтлар бевосита юкоридаги оятлар гояси асосида юзага келгани шубҳасиздир.  
Навоий сабрли кишининг доди, албатта, Тенгрига етади, деб уктиради:

Чун бўлди сабур Тенгри додига етар,  
Собир киши окибат муродига етар.

Муддассир сурасининг 6-оятида бундай дейилган: «Ва кўп (иш) килган бўлсанг хам,  
миннат килма». Сайфи Саройи ана шу гояни «Гулистони бит туркий» асарида шундай ифодалаган:

Ичириб элга кошук бирла шўрба,  
Чўмич сопи билан кўзин чикарма.

Бедил рубоийлари ихтибос санъати асосига курилган бўлиб, уларга Куръон оятлари мазмуни маҳорат билан сингдирилган. Масалан, Исро сурасининг 37-оятида бундай дейилган: «Ер юзида кибру хаво или юрма». Бедил ушбу гояни бундай ифодалайди:

Аф эт халқдан келса яхши-ю ёмон,  
Адоватдан кочиб, роҳат кил, инсон.  
Кибру хасад бермас кишига ором,  
Одамни менсимай, кувилди шайтон.

Моида сурасининг 90-оятида хамр (ичкилик) ифлос экани, шайтоннинг иши экани уктирилиб, ундан четда бўлиш таъкидланади. Бедил рубоийсида майнинг турли касофатларга асос эканини бундай уктиради:

Ишрат тузогидир шиша касофат,  
“Кул-кул”и етказар пайгоми ишрат.  
Махмурлик юлдузи хар бир томчиси,  
Хар мавжи пиёла манглайида хат.

Мумтоз адабиёт вакиллари ичida хаёт тарзи, эътиқоди, ижодидаги гояларга кўра,  
Машраб ўзига хос ижодкордир. Унинг исми Боборахимдир. “Машраб” Оппокхўжа томонидан унга кўйилган лакаб, кейинча тахаллус бўлган. Боборахим Оппокхўжа билан кўришганида, унинг калвидаги Аллоҳга бўлган оташин ишкни сезиб, Оппокхўжа уни

“Машраб” деб атаган.

Машраб шеърларида Куръони карим оятлари гоялари ёркин ифодаланган. Фиръавн мол-дунёсига, шон-шавкатига ишониб, Мусо алайхиссалом кўп марта даъват этса-да, дин йўлига кирмади. Кибру хаво, манманлиги туфайли сувга гарк бўлиб ўлди. Шунинг учун Машраб ёзган:

Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинхор хурсанде,  
Ўзингни хар хасу хашакдек, эй банда, камтар тут.

Машраб газалларида Яссавий, Пахлавон Махмуд шеърларидаги каби нафсни жиловлаш гояси олга сурилади. Ояти карималарда уқтирилишича, энг катта газот банданинг ўз нафси устидан голиб келишидир. Машраб бундай ёзган:

Нафси саркаш муддаосидин Худо берсун панох,  
Бул замона муттакосидин Худо берсун панох.

Машрабнинг ояти карималар негизида ёзилган шеърлари шўро даврида бузиб талкин этилди. Айникса, унинг:

Ёрсиз хам бодасиз Маккага бормок не керак!  
Иброҳимдин колган ул эски дўконни не килай?

каби шеърлари дахрийона тахлил килинди.

Аслида Машраб калбингда Аллоҳ ишки бўлмаса, Ислом таълимотини билмасанг, унга амал килмасанг, Макка сен учун Иброҳимдан колган эски дўкон кабидир, демокда.

Адабиётдаги абадий мавзуулардан бири мухаббат мавзуидир. Бу мавзунинг асоси хам ояти карималарда берилган: «Ва сизларга топишишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларнингизда севги ва марҳаматни солиб кўйган (хол) унинг оят белгиларидандр. Албатта, бунда тафаккур киладиган кавмларга оят-белгилар бордир». Демак, мухаббат — Аллоҳнинг инояти.

Мумтоз адабиётда мухаббат икки хил талкин килинади. Биринчиси - хакикий мухаббат. Бу банданинг Аллоҳга мухаббати. Иккинчиси - мажозий, инсоннинг инсонга мухаббатидир.

Сўфи Оллоёр Аллоҳга мухаббат хакида бундай ёзган:

Кел, эй толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Мухаббатсиз кишидан куш бўлиб коч.  
Мухаббатсизки бўлди хар каю зот,  
Агар фарзанди ширийдир, эрур ёт.

Хувайдо Аллоҳнинг бандаларга, хусусан, Мухаммадга (алайхиссалом) бўлган

мухаббатини бундай баён килади:

Мухаббатдан Мухаммад бўлди пайдо,  
Мухаббатсиз кишидан коч, Хувайдо.

Нодира хар бир инсон калбида Аллохга, бандага бўлган мухаббат бўлишини шарт деб билади:

Мухаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсен, мухаббат ихтиёр эт.

Бахром Жалилов